



Қутлуғ ойнинг ғанимат дамлари

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари жамоат билан таровеҳ намозини адо этиш ва хатми Қуръонга соме бўлиш учун масжидларга ташриф буюрди. Хусусан, Муфтий ҳазратлари пойтахтимиздаги “Имом Термизий”, HiTech услубида янгидан қурилган “Ҳасанхон қори”, “Мулла Қосим”, “Олтинтепа”, “Абу Сахий”, Тошкент вилоятида жойлашган “Дарвеш бува” жоме масжидларида бўлди. Таровеҳ намозларидан аввал Шайх ҳазратлари муборак Рамазон ойида беморлар ҳолидан хабар олиш, инсонларга янада меҳр-эътибор кўрсатиш халқимизнинг эзгу қадрияти эканини қайд этиб, бундай хайрли ишларда юртдошларимиз янада шижоатли бўлишлари лозимлигига урғу қаратди. Аллоҳ таоло бандаларини моддий жиҳатдан қийналган, кўнгли ўксик инсонларга меҳр-муруватли бўлиш, кўмак кўрсатишга буюрганини оят-ҳадислар билан тушунтириб берди.



Шу билан бирга, Рамазон тинчлик, шукроналик оyi экани, эл-юртда осудаликнинг ҳукм суриши баракага сабаб бўлиши, усиз инсонларга бошқа неъматлар татимаслиги, ибодатларни, хайрли

амалларни эмин-эркин адо этиш имкони йўқолиши, шу боис мўмин-мусулмонлар тинчликнинг қадрига етишлари, уни мустаҳкамлашга аҳамият қаратишлари,

2-бетда

Қуръонни ўрганамиз



Мужоҳид раҳимаҳуллоҳ ривоят қилади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Эркакларингизга Моида сурасини ўргатинглар! Аёлларингизга Нур сурасини ўргатинглар!”** дедилар” (Саид ибн Мансур, Ибн Мунзир ва Байҳақий ривояти).

Моида Қуръони каримнинг бешинчи сураси бўлиб, Мадинада

Моида сураси фазилатлари

нозил бўлган, бир юз йигирма оятдан иборат. “Моида” сўзининг маъноси “дастурхон”. Суранинг Моида деб номланиши унда ясатилган дастурхон ҳақидаги қисса ўрин олгандир. Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломни қўлаб-қувватлаш ва у зотнинг пайғамбар эканларини тасдиқлаш учун ҳаворийлар талаб қилган дастурхонни туширади.

Суранинг иккинчи номи “Уҳуд” (шартнома, аҳдномалар) бўлиб, унда аҳдга вафо қилиш, адолатли бўлиш ҳамда шахсий, жамоавий аҳднома ва шартномалар ҳақидаги ҳукмлар атрофлича баён

қилинади.

Сурада тавҳид, шаръий ҳукмлар, ҳалол ва ҳаром нарсалар, жонлиқларни сўйиш масаласи, ҳаж ва умра вақтида эҳромда ов қилиш ҳукми ва унинг каффорати, таҳорат, ғул, таяммум, никоҳ, аҳдга вафо қилиш, ҳукмда адолатли бўлиш, одил гувоҳ бўлиш, жиноят ва жазо масаласи, ҳамр ва қимор ҳаромлиги, ўғрилиқ ҳукмлари, қасамнинг каффорати, васият ҳақида, пайғамбарлар қиссаси, Қобил ва Ҳобил қиссаси ва бошқалар баён этилади.

4-бетда

ҚИСКА САТРАЛДАРДА

✓ 15 март. Косонсой туманида қайта бунёд этилган “Эшонбобо” жоме масжиди ишга туширилди.

✓ 16 март. Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Афғонистон Ҳаж ва вақф ишлари вазири Мавлавий Нур Муҳаммад Сақиб бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.

✓ 25 март. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган ифторликда иштирок этди.

✓ 25 март. Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институтида “Бандаларнинг феъллари” мавзусида ўтказилган илмий суҳбатда Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқитувчиси, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази бош илмий ходими, мисрлик машҳур олим доктор Аҳмад Саъд Даманхурий маъруза қилди.

✓ 27 март. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида Имом Бухорийнинг “Ат-Тариху-с-сағир” асарининг ўзбек тилидаги илк нашри тақдими бўлиб ўтди.

✓ 28 март. Жанубий Кореяда хизмат сафарида бўлиб турган Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизими вакиллари Сеул, Гожедо, Кимхе, Чеонгжу, Мокпо каби шаҳарларида таровеҳ намозларида қатнашиб, манфаатли суҳбатлар ўтказдилар.

Мусулмоннинг қўрғони

«Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи ғадада холқиҳи ва ризо нафсиҳи ва зината ғаршиҳи ва мидаада калимаатиҳи» (3 марта).

Маъноси: “Яратганларининг ададида, нафси рози бўлгунича, Аршининг вазнича, калималарнинг узунлигида Аллоҳга ҳамд айтман ва Уни поклайман” (Имом Муслим ривояти).

«Розийту биллаҳи Роббан ва бил ислами дийнан ва би Муҳаммадин соллаллоҳу алайҳи ва саллама росула» (3 марта).

Маъноси: “Аллоҳни раббим деб, Исломни диним деб, Муҳаммад алайҳиссаломни расул деб рози бўлдим” (Имом Абу Довуд ривояти).

Одам савдоси – жирканч қилмиш

Ўқувчилик пайтимиз тарих дарсидан қулдорлик тузumi ҳақида ўқиб, инсонга мулк сифатида қараш мозийда қолиб кетган деб тасаввур қилардик. Аммо воқеликка назар солсак, у ҳозир ҳам турли кўринишларда давом этаётганига гувоҳ бўламиз.

Ислом қулдорликка қарши биринчи бўлиб кескин курашган диндир. Қул озод қилишни ибодат даражасига кўтарган. Ҳатто баъзи гуноҳларнинг каффорати учун ҳам қул озод қилиш шарт қилинган бўлиб, бу инсон ҳуқуқларининг ҳимоясидир.

Ўтмишда жанглarda асир тушган одамлар мажбурий тарзда қул қилинган бўлса, бугунги кунда баъзилар мўмай даромад илинжида оқибатини ўйламай ўзларини қуллик тўрига ташламоқда. Бу охиратини унутган одамфурушлар учун аини муддаодир.

Маънавий қашшоқлик, очкўз-

лик, дунёга ҳаддан ташқари ҳирс қўйиш ва нафсига қул бўлиш кишини ушбу жиноятга ундайди. Бундай жирканч ишга қўл уриш динимизда қаттиқ қораланади. Зеро, Аллоҳ таоло инсонни ҳур қилиб, уни жонзотлар ичида энг мукаррами этиб яратган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар: **«Аллоҳ таоло: “Уч киши борки, мен уларга қиёмат кунини хусуматчиман. Менинг номидан (аҳд) берадиган ва кейин хиёнат қиладиган киши. Ҳур кишини сотиб пулини ейдиган киши. Мардикор ёллаб, уни ишлатиб ва ҳаққини бермаган киши”, деди»** (Имом Бухорий ривояти).

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Қочоқлар масалалари бўйича Олий Комиссари экспертларининг хулосасига кўра, сўнгги йилларда бу хилдаги жиноятчилик шиддат билан ўсмоқда. Одам савдоси наркотик ва курол олди-сотдидан кейин учинчи ўринни эгаллади.

Дунё миқёсида одам савдосига қарши жиддий кураш олиб боришда. Жумладан, юртимизда ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ушбу жиноятларни тинимсиз фош этмоқда. Ачинарлиси, хотин-қизларнинг одам савдоси қурбонига айланиш ҳолатлари кўпаймоқда.

Бунга сабаб нима?

Кўп ҳолларда рўзғор юкини елкасига олишга мажбур бўлган айрим аёллар хориждан даромадли иш топиб беришни ваъда қилувчи фирибгарларнинг тузоғига илинишади. Оқибатда у ерда турли зўравонликларга дуч келишади. Кўряпмизки, муаммонинг учини оиладаги эркакнинг масъулиятсизлигига бориб тақалмоқда. Афсус, хотинини чет элга ишга жўнатиб, ўзи уйда у юборган пуллар ҳисобига кун кечирадиган орсиз ва субутсиз эрлар ҳам бор. Бу халқимиз учун оғир иснод.

Мусулмон эркак зиммасига никоҳидаги аёлни нафақа билан

таъминлаш вазифаси юкланган. Унутмаслик керак, эр ўз хотинининг ҳақини поймол қилар экан, бунинг жавобини қиёматда Аллоҳнинг ҳузурида беради.

Умуман олганда, одам савдосининг олдини олиш учун ушбу жиноятни содир этувчи кимсаларга имкон бермаслик керак. Бу билим олиш, касб-ҳунар эгаллаш, дунёқарашни кенгайтириш, ёлғон ва ростни ажрата олиш, енгил-елпи ҳаёт тарзидан воз кечиш, ҳалол ризқ топишга одатланишни тақозо этади. Шу билан бирга, атрофимиздаги инсонларни ҳам фирибгарлар тузоғидан ўз вақтида огоҳ қилсак, қийин вазиятларга тушиб қолган инсонларга ёрдам қўлини чўзсак, одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг камайишига ҳисса қўшган бўламиз.

Шоҳобиддин ПАРПИЕВ,

Асака тумани “Муҳаммадсолиҳ” жоме масжиди имом-хатиби

Идора ҳаёти

Қутлуғ ойнинг ғанимат дамлари

1-бетда

айниқса, ушбу муборак ойда аҳиллик, тотувликни ўзларига фазилат қилиб олишлари лозимлигини таъкидлади.

Муфтий ҳазратлари динимизнинг асл моҳиятидан келиб чиқиб, ватандошларимизни, айниқса, ёшларни нотинчликлар, жанжалларга сабаб бўлувчи турли фитналардан ҳамиша узоқда бўлишга, ёвуз ниятли ёт кучларнинг зарарли таъсирларига тушиб қолмасликка чақирар экан, Аллоҳ таолодан Ўзининг чексиз раҳматлари ёғилиб турган қутлуғ ойда Ватанимизга, халқимизга, бутун мусулмон оламига, жами инсониятга тинчлик-осудалик, яхшиликлар, баракотлар сўраб хайрли дуо қилди.

Ўз мухбиримиз.

Ҳикмат – мўминнинг йўқотгани



Яхшиликларингизни сир тутинг

Ҳаётингизда икки инсоннинг ҳиммати кўп-у, лекин кўзингизга кўринмайди: отангнинг сенга қилган харажати ва онангнинг сенга қилган хизмати.

Агар шу харажат ва хизматни бегона одамдан кўргангизда, бутун умр ундан уялиб, бирор марта ҳам кўнглига озор беролмасдинг. Лекин отанг ва онангга гап қайтара оласан, гоҳо беписандлик билан ғазаб қиласан. Чунки уларнинг хизмати кўринмайди-да...

“Яхшиликдан олдин яхшилик қилиш – фазилат. Яхшиликдан кейин яхшилик қилиш – мукофотлаш. Ёмонликдан кейин яхшилик қилиш – олийжаноблик. Ёмонликдан олдин ёмонлик қилиш – жабр-зулм, ноҳақлик. Ёмонликдан кейин ёмонлик қилиш – тенглашиш. Яхшиликдан кейин ёмонлик қилиш тубанлик ва бадбахтликдир”.

Абу Лайс Самарқандий

Имом Шаъроний қуддиса сирруху айтади:

“Аллоҳ таоло менга қилган энг катта меҳрибонлиги бировдан ғазабланиб, унинг зарарига қилган дуойимни қабул қилмаганидир”.

Тавҳиднинг самараси – шариат талаб қилган ўринлардан бошқасида халойиқдан ғазабланмаслик.

Абу Ҳазим айтади: “Гуноҳларингизни сир тутганинг каби яхшиликларингизни ҳам сир тут”.

“Сиярул аъламин нубало”дан

Рукнларнинг ўрнини алмаштириб қўйса

(Давоми.
Бошланиши ўтган сонларда.)

Агар киши намозда бирор рукнни такроран адо этса, масалан, икки маротаба руку қилса, унга саждаи саҳв вожиб бўлади (*“Фатаввойи Оламгирия”*).

Агар имом унутиб, икки саждадан сўнг яна бир сажда қилса, муқтадий унга эргашмайди. Бу ҳолда саждаи саҳв вожиб бўлади ва муқтадий саждаи саҳвда имомга эргашади (*“Раддул мухтор”*).

Агар киши намозда адашса ва унга саждаи саҳв вожиб бўлгани ёки бўлмаганини билмаса, саждаи саҳв қилмайди. Кейин аҳли илмдан сўраб, билиб олиш лозим (*“Раддул мухтор”*).

Агар киши намозда бирор вожибни тарк қилганига шубҳа қилса, саждаи саҳв вожиб бўлмайди. Аммо вожибни тарк қилганига гумони ёлиб бўлса, саждаи саҳв қилиш вожиб (*“Раддул мухтор”*).

Агар саждаи саҳв вожиб бўлган киши қаъдаи охирда саждаи саҳв қилгани ёки қилмаганига шак қилса, гумони ёлиб томонга амал қилади. Агар бирор томонга гумони ёлиб бўлмаса, саждаи саҳв қилади (*“Тахтовий”*).

Агар киши саждада иккала оёғи учини ердан кўтариб узиб қўйса, намози дуруст бўлмайди. Агар бир оёғини кўтарса ва иккинчи оёғи ерда турса, намоз дуруст бўлса-да, макруҳ ҳисобланади (*“Баҳрур роиқ”*).

Агар киши салом беришдан олдин саждаи саҳв вожиб бўлгани эсига тушиб, саждаи саҳв қилса, намози дуруст бўлади (*“Фатаввойи Оламгирия”*).

Агар киши намоз охирида унутиб аввал чап тарафга салом берса, унга саждаи саҳв вожиб бўлмайди (*“Баҳрур роиқ”*).

Бомдод намозида кишига саждаи саҳв вожиб бўлса, агар саждаи саҳв қилиб ташаххўд ўқиб бўлгунича қуёш чиқиб қолиши эҳтимоли кучли бўлса, саждаи саҳв қилмайди (*“ад-Дуррул мухтор маъа Раддил мухтор”*).

Агар имомга саждаи саҳв вожиб бўлиб, саждаи саҳв қилишни унутса, муқтадийларнинг ўзлари саждаи саҳв қилишмайди (*“Фатаввойи Оламгирия”*).

Киши ўзига саждаи саҳв вожиб бўлганини унутиб, саломни бергандан сўнг намозга зид бўлган бирор иш қилса, ундан саждаи саҳв соқит бўлади. Фарзларини тўлиқ бажаргани учун намози дуруст бўлади (*“Фатаввойи Оламгирия”*, *“Раддул мухтор”*).

Ўрдинжон ФОЗИЛОВнинг
“Саждаи саҳв масалалари” китобидан

Иззатингдан айрилма

Лоқайд бўлишга ҳаққимиз йўқ



Миллат саодати, равнақи йўлида фидокорлик кўрсатган, бебаҳо асарлар қолдирган улуғ аждодларимизнинг шарафли ҳаёт йўллари биз учун чинакам ибрат мактабидир. Улар ҳамиша кишиларни илм-маърифат эгаллашга, Ватан, Ислом ривожига астойдил хизмат қилишга ундаган. Зотан, ушбу инсоний тамойиллар муборак динимизнинг энг гўзал амалларидан саналади.

Бугун мамлакатимиз илм-фани ўз мавқеини тиклади, зиёлилар қатлами ҳар қачонгидан кўра эътибор ва эҳтиром топмоқда. Айниқса, ўғил-қизларимизнинг замонавий билимларни эгаллашлари учун ҳавас қилса арзигулик шароитлар яратилмоқда. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси юртимизда Президентимиз ташаббуси билан Учинчи Ренессанс пойдевори-ни бунёд этишга асос бўлаётир.

Энг муҳими, мазкур тарихий жараёнда дин пешволари, уламоларнинг ҳам алоҳида ўрни борлигини айтиб ўтиш жоиз. Улар нафақат масжидларда, балки маҳаллалар, таълим муассасалари, ҳатто ҳар бир хонадонда бўлиб, юртдошларимизга илмнинг фазилатлари, улуғ

аждодларимизга муносиб авлод бўлиш, она-Ватанга хизмат қилиш каби тушунчаларни етказиб бормоқдалар.

Қолаверса, кишиларга муқаддас динимизнинг асл инсонпарварлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, маърифат ва эзгулик дини эканини, бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, ихтилофларга берилмаслик, динда ғулувга кетмаслик ҳақида тушунтиришлар олиб борилмоқда. Зеро, бу каби тарғибот тадбирлари бугунги мураккаб ва таҳликали даврда фоят муҳимдир.

Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Набий солаллоху алайҳи ва саллам: **“Осонлаштиринглар,**

қийинлаштирманглар, хуш-хабар беринглар, бездирманглар”, дедилар (Имом Бухорий ривояти). Динимиз ҳар томонлама гўзал, осон ва мукамал диндир. Унинг талаблари мўмин-мусулмонларга қийинчилик туғдирмайди, аксинча, қалбларга роҳат, ҳаловат бағишлайди.

Дарвоқе, маънавиятли, маърифатли ва илмли авлодни тўғри йўлдан адаштириб бўлмайди. Шу боисдан ҳам имом-домлаларимиз маҳаллаларда, таълим муассасаларида китобхонлик маданиятини юксалтиришга ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Сардорбек ХУДОЁЕВ,
Асака туманидаги “Бобожон қори” масжиди имом-хатиби

Сардор Худоев 1988 йил Андижон вилояти Асака туманида туғилган. 2010 йилда “Мир Араб” мадрасасини, 2016 йилда Тошкент ислом институтини битирган. 2012 йилгача Асака тумани “Аҳмадали Махдум” жоме масжидида имом ноиби, 2018 йилгача Асака тумани “Мулла Райимжон” масжиди имом-хатиби бўлган. Ҳозир “Бобожон қори” жоме масжиди имом-хатиби.



Масала Динда саволим бор...

САВОЛ: Умрага эҳром боғлашда мийқотда икки ракат намоз ўқилади. Мана шу намоз асрга ёки асрдан кейинга тўғри келиб қолса, ўқиш мумкинми?

ЖАВОБ: “Иршодус сорий ила маносик мулла Али қорий”да бундай дейилган: “Эҳром либосини кийгач, ният қилиб, икки ракат намоз ўқийди. Бу намоз мустаҳаб бўлади. Агар мийқот жойлашган ҳудудда масжид бўлса, унда ўқиш мустаҳаб саналади. Нафл намоз ўқиш макруҳ бўлган вақтда ўқимайди. Вақти бўлган фарз намоз мазкур икки ракат намоз ўрнига ўтади”.

Агар ҳали Мадинада турган вақтда аср вақти кириб қолса, юқорида айтилгандек, масжидда ёки меҳмонхонада аввал икки ракат намоз ўқиб, кейин асрни ўқиса бўлади.

САВОЛ: Биз бозорда савдо қиламиз. Бир қаторда 15 та дўкон бор. Биринчи дўкон эгаси қолган 14 та дўконни ёмонлайди, “ўғри, қаззоб, кам беради” деб, бизни ёмонотликка чиқаряпти. Биз у ўтирган дўконнинг ижара ҳақини тиклаб, уни дўкондан чиқариб юборсак гуноҳга ботмаймизми?

ЖАВОБ: Шариатимизда бир хатони бартараф этиш учун бошқа бир хато қилишга рухсат йўқ. Сиз айтган ҳолатнинг ечими шуки, 1-дўкон эгаси билан гаплашиб сизларга нисбатан айтаётган гапларини исботлашни талаб қилинглар. Агар исботлай олмаса, бозор маъмуриятига (далил-исботлар асосида) вазиятни тушунтириб, муаммони ҳал қилишда ёрдам сўраш лозим.

САВОЛ: Фарз намозларни ўқийётганимда 3-4-ракатларда Фотиҳадан кейин адашиб “Бисмиллаҳ”ни айтиб юбораман, бунда намоз бузилмайдими?

ЖАВОБ: Фарз намозларининг учинчи ёки тўртинчи ракатида Фотиҳа сурасини ўқигандан кейин “Бисмиллаҳ” роҳманир роҳим”ни айтиш билан намоз бузилмайди, лекин суннатга ҳилоф бўлади.

5-бетда

Табарий ва унинг кашфиёти

Шубҳа йўқки, илм Одам алай-ҳиссалом авлодлари жамлашга муваффақ бўлган энг қимматли бойликдир. Илмни бир халқ, бир жамият ёки бир маданият тўплай олмайди. Шунингдек, илм бир халқ, бир жамият ёки бир маданиятга мансуб ҳам бўлмайди. Тиббиёт ана шу фикрнинг яққол исботидир.

Инсон ўзининг жисмини кўпроқ ўрганиб, дунёқараши ва тажрибасини кенгайтириб, касалликларнинг сабабини топишга муваффақ бўлди ва кейин уларни даволаш усуллари топи.

Мусулмон олимлари қадимги юнон манбаларини ҳам ўрганганлар. Бироқ улар бошқа маданият вакилларида фарқли ўлароқ, буни ҳеч қачон яширишмаган, аксинча, қайд қилиб боришган. Зеро, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Хикмат мўминнинг йўқотганидир, уни қаердан топса, олишга ҳақлидир”**, деб марҳамат қилганлар (Имом Термизий ривояти).

Абул Ҳасан Али ибн Саҳл Раббан Табарий ана шундай буюк олимлардан бири эди. Раббан исми унинг

келиб чиқиши масиҳий бўлганини кўрсатади. “Раббан” сўзи сурёнийчада “улуғ устоз” деганидир. У Мўътасим даврида Исломга кирган. Табарий Мутаваккилнинг яқин кишиларидан бўлган ва умрининг охирида Исломни ҳимоя қилиб, 2 та асар битган.

Табарий 780 йили Табаристонда таваллуд топган. Болалигидан яхши таълим олган ва Ироқ шимолидаги Самаррага бориб, у ерда бир неча йил Маъзир ибн Каринга котиблик қилган.

840 йилдан аббосийлар халифаси Мўътасимнинг котиби бўлган. Мутаваккил ҳузурида ҳам хизматни давом эттирган, унинг саройида котиб ва табиб бўлиб ишлаган. Табарий мусулмон тиббиёт олимларининг биринчи авлоди вакили бўлиб, унинг асарлари кейинги давр олимлари учун дарслик вазифасини ўтаган.

Бугунги кунда Табарийнинг ўн иккита асар ёзгани маълум, аммо уларнинг кўплари, афсуски, бизгача етиб келмаган.

Олим асарларининг аксари

тиббиётга бағишланган бўлса-да, уларнинг орасида тарих ва дин тарихи ҳақида ёзилганлари ҳам бор. Табарийнинг энг машҳур асари “Фирдавс ал-ҳикма”, яъни “Хикматлар бўстони” уч қисм (нав)га бўлинган бўлиб, ҳар бир қисми 30 мақоладан иборат 360 бобни ташкил этган катта ҳажмдаги, табобатнинг барча асосий мавзуларини қамраб олган йирик асардир.

Муаллиф мазкур асарида инсоннинг барча ташқи ва ички аъзолари касалликларини батафсил баён этади, ўсимликлар, жониворлар ва минерал моддалардан олинadиган дори-ларни тавсифлайди, турли об-ҳаво шароитларининг инсон танасига таъсири ҳақида ёзади. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу асар юнон, ҳинд ва Марказий Осиё табобати ютуқларига таяниб ёзилган, инсон саломатлигини сақлаш борасидаги масалалар ёритилган илк ноёб асарлардан ҳисобланади. Масалан, у инсон нутқини тасвирлар экан, қуйидагиларни ёзади: “Тил, лаб ва тиш иштирокида ҳосил бўладиган товуш уйғунлигига лаблар ёрдамида

эришилади. Бурун ва қозиқ тишлар фон товушларини ҳосил қилишда иштирок этади. Бурун катаклари, ҳалқум ва лабларнинг шикастланиши одамнинг нутқида халақит бериши мумкин”.

“Оғиздан нохуш ҳид келиши ошқозон муаммолари ва ачиш, бижғиш билан боғлиқ. Агар муаммо ошқозонда бўлса, унда сиз овқат ҳазм қилиш жараёнини тезлаштирадиган дори-дармонларни қабул қилишингиз керак. Чириган, сарғайган ёки тешиклари бор тишларни даволаш учун зудлик билан яроқсизларини олиб ташлаш ёки тешикларида қолама қилиш керак”.

Табарийнинг муҳим асарларидан яна бири “ар-Родду ʼала асноф ан-насоро”, яъни “Насроний табақаларига раддия” китобидир.

Ушбу асарида у насронийлик ва яҳудийликнинг қайси ўринларда ҳақиқатдан узоқлашгани ва Китоблари инсон омили таъсирида бузилганига рад қилиб бўлмайдиган даражада пухта далиллар келтирган.

Мўътабар олим кексайгани сабабли хизматни тарк этган ва 870 йилда Бағдодда вафот этган.

Дамин ЖУМАҚУЛ тайёрлади.

Бу муҳим

1) Салавот айтишда Аллоҳ таолонинг амрига итоат, бўйсуниш бор.

2) Аллоҳ таолонинг салавот айтиши билан ўзаро мувофиқлик бор. Икки салавотнинг фарқи бўлса ҳам.

3) Малоикалар билан мувофиқликда салавот айтиш бор.

4) Аллоҳ таолодан ўнта салавот ҳосил бўлади.

5) Банда салавот сабаб ўн даражага кўтарилади.

6) Салавот айтувчига ўнта савоб-ҳасанот ёзилади.

7) Салавот айтувчидан ўнта гуноҳи ўчирилади.

8) Салавот – дуонинг ижобат бўлиши сабабларидан бири.

9) Набий алайҳиссалом шафоатларига мушарраф бўлади.

10) Салавот айтиш – гуноҳлар мағфират қилиниши сабабларидан бири.

11) Ҳал қилувчи ишларида салавот айтувчи бандга Аллоҳ таоло кифоя қилади.

12) Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга яқин бўлади.

13) Машаққат вақтида айtilган салавот садақанinг ўрнига ўтади.

14) Ҳожатлари салавот сабабидан раво бўлади.

15) Аллоҳ ва фаришталари салавот айтувчи бандга салавот йўллайдилар.

16) Салавот айтувчи салавот сабабли покланади.

17) Ўлимидан аввал у бандга жаннат хушхабари етади.

18) Қиёмат кунидаги кўрқинч, хавотирлардан нажот топади, қутулади.

19) Бандга унутиб қўйган нарсасини ёдига туширади.

20) Айtilган салавотга Набий алайҳиссаломнинг ўзлари жавоб қайтарадилар.

21) Салавот айтишда банд ҳожатларини сўраши бор.

22) Салавот айтувчи фақирлик-қашшоқликдан сақланади.

23) Салавот айтувчи банд бахилликдан қутулади.

24) Хор-зор бўлиб қолишдан, дуоибад касофатидан омонда бўлади.

25) Салавот айтувчи жаннат йўлига йўлланади.

26) Салавот айтишда Аллоҳ таолодан Унинг ҳабибига мақтов сўраш бор.

27) Гапирadиган гаплари ва бошқа сўзлари комил бўлади.

28) Сирот кўпригида ёрқин, кўпгина нурга мушарраф бўлади.

29) Салавот айтувчи жафодан, бегоналикдан узоқ бўлади.

30) Осмонлару Ер аҳли ўртасида Аллоҳ таолонинг мақтовига сазовор бўлади.

31) Салавот айтиш билан банд баракот соҳиби бўлади.

32) Аллоҳ таолонинг раҳматига

ноил бўлади.

33) Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга муҳаббати давомли бўлади.

34) Салавот айтувчи Пайғамбаримиз алайҳиссаломга суюкли бўлади.

35) Салавот ҳидоятга йўллаб, қалбга ҳаёт бахш этади.

36) Салавот айтувчининг ва отасининг исми Набий алайҳиссаломга етказилади.

37) Сирот кўпригида собитқадам бўлади.

38) Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг баъзи ҳақларини адо қилган бўлади.

39) Салавотда Аллоҳ таолони зикр қилиш ва Унга шукр қилиш жамлангандир.

40) Салавот – дуодир!

Иброҳимжон ИНОМОВ

Қуръонни ўрганамиз

1-бетда

Ислом шариатида инсон ҳаёти учун зарур бўлган асосий мақсад ва тамойиллар бўлган жон ҳимояси, дин ҳимояси, инсон ақлининг ҳимояси, насл ва шаън ҳимояси, мол ҳимоясига асосий эътибор қаратилади. Муфассир уламолар

сурага “Ислом шариатидаги мақсад ва тамойилларнинг барчаси Моида сурасида жамланган” деб таъриф беришади.

Бу сура энг охириги нозил бўлган суралардан бўлиб, унда жуда кўп шаръий ҳукмлар баён қилингани

сабабли уни ўрганишга тарғиб қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам видолашув ҳажида Моида сурасини ўқидилар ва: **“Албатта, Моида сураси энг кейин нозил бўлган сурадир. Бас, ушбу сурада ҳалол дейилган нарсаларни**

ҳалол деб билинглар, ҳаром қилинган нарсаларни ҳаром деб билинглар”, дедилар.

Манбалар асосида
Дилшоджон МАМАДАЛИЕВ
тайёрлади.

Танамиздаги мўъжизалар

Аллоҳ бандаларини мукаммал яратган. Инсон танасини синчиклаб ўргансак, ҳар бир аъзо мўъжизавий тарзда мутаносиб эканига амин бўламиз. Жумладан, овқат ҳазм қилиш тизимида иштирок этадиган сўлак, аввало, овқатни юмшатади ва тишлар орқали эзилишини ҳамда пастга — қизилўнгачга сўрилишини осонлаштиради.

Сўлак бўлмаса, оғиз қуриб, овқатни юта олмас, тузукроқ гаплаша олмасдик.

Ана шундай бекиёс уйғунлик меъда тизимида ҳам хос. Меъдада овқат ҳазм бўлиши шу аъзодан ажраладиган хлорид кислота ҳисобига амалга ошади. Бироқ бу кислота шунчалик кучлики, нафақат овқатни парчалаш, балки меъда “девори”ни ҳам “еб қўйиш”и мумкин. Одамзодни ҳалок қилиши мумкин бўлган бу муаммони Аллоҳ ижобий ҳал этиб қўйган. Овқат ҳазм бўлаётганда ажраладиган “мукус” деб аталувчи шиллик модда меъда деворининг ҳамма ерини қоплаб, кислота таъсиридан ҳимоялайди. Шу йўл билан меъданинг ўзига зарар етмайди. Мукус таркибидаги озгина бузилиш ҳам унинг ҳимоявий хусусиятини пасайтириши мумкин.

Биз оддийгина ҳазм бўлиш

деб билган жараёнда бир қатор кимёвий жараёнлар рўй беради. Меъда оқсилларни парчалаш қобилиятига эга бўлмаганида, ейилган овқат тўлиқ ҳазм бўлмас, натижада гарчи меъда овқатга тўла бўлса-да, керакли моддалар тана аъзоларига етиб бормагани сабабли инсон ҳолдан тояр, ҳаётий кўрсаткичлар таъминланмасди.

Меъда ширасини меъда ҳужайралари ишлаб чиқаради. Ана шу ҳужайралар одам танасининг бошқа қисмлари (масалан, кўз ҳужайралари) каби она қорнида бўлиниш натижасида пайдо бўлган эгизак ҳужайра ҳисобланади. Шу сабабли бу ҳужайралар генетик маълумотга эга. Яъни, ҳужайралар генофонди ўзида генетик ахборотни сақлайди. Бироқ илоҳий буйруққа бўйсунган ҳолда кўз ҳужайралари миллионларча маълумот ичидан фақат ўзи учун керакли бўлганидан, меъда ҳужайралари эса фақат меъдага тегишли ахборотдан фойдаланади. Агар кўз ҳужайралари номаълум сабаб билан кўз учун оқсиллар ўрнига меъда шираси учун зарур бўлган моддани ишлаб чиқарса, одамнинг кўзи бир лаҳзада эриб кетар эди.

Яна бу ҳужайраларда махсус сўрувчи мосламалар бўлиб, озиқ

моддалар ташиладиган алоҳида йўлларга боғланган. Мазкур сўрғичлар орқали сўрилган озиқ моддалар қон ёрдамида бутун танага тарқалади. Ҳар бир сўрувчи ҳужайранинг юзасида деярли уч мингга яқин майда сўрғичлар бор, бу сўрғичлар тиним билмай, одамнинг ҳаёт кечириши учун бекаму кўст ишлаб туради. Аслида жуда катта майдонни эгаллаши керак бўлган бу қадар сон-саноксиз сўрғичлар миттигина бир жойга жамланган. Бу тизим сўнгги нафасимизгача бизга беминнат хизмат қилади.

Машойхларнинг бир ҳикмати бор: “Ким ўзини таниса, Раббисини танийди!” Инсон ўзининг яратилишидаги мукамалликка назар ташлар экан, Аллоҳнинг Ҳолиқ сифатига тан беради, яралишдаги ҳикматлари ҳақида мушоҳада қилади ва Оламлар Раббисига ҳамд айтади: “(Биз) **осмонлар ва Ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги нарсаларни фақат ҳақ (ҳикмат) билан яратдик...**” (Ҳижр сураси, 85-оят), деган Аллоҳга ҳамд бўлсин!

Манбалар асосида “Саййид Мухйиддин махдум” ўрта махсус ислом билим юрти мударрисси **Абдулҳамид АЛИЕВ** тайёрлади.

Мактубларда манзаралар



Кўча эшигимиз ёнида катта тут дарахти бор. Ҳар йили тут пишиғида болалар мевасидан таллашиб ейишади. Бу манзарани кўриб ёшлигим эсимга тушади. Раҳматли Йўлдош бувам: “Бу тутни отам эккан, унинг мевасини ҳозир сизлар еяётган бўлсангиз, келажакда болаларингиз ҳам ейди”, деганди. Рост айтган экан. Бувамнинг ўзи ҳам меҳнаткаш инсон эди, эртадан кечгача боғда ишларди. Ҳар баҳорда янги кўчатлар экар, йил бўйи мевали дарахтларни, томорқадаги экинларни парваришларди. Ерга фарзандидай меҳр берарди. Кузда олинган ҳосилдан қариндошу кўшнilarга, муҳтожларга “капсан” тарқатарди.

Кимдир бирор юмуш билан келса, ёрдамини аямасди. Биз набираларига ҳам меҳнатдан қочмасликни, илм олиш, ҳеч ким

билан “сен-мен”га бормаслик, кўшню қариндошларга меҳрли бўлиш, қўлдан келганча одамларга яхшилик қилишни уқтирарди. “Хушфеъл бўлинглар, ерни севинглар, ер сизларни боқади”, дерди.

Бир куни бувам айвонда китоб ўқиб ўтирган экан. Ёнига бориб: “Буважон, нега бир зум ҳам бўш ўтирмайсиз, тинмай меҳнат қиласиз, яна дам олиш ўрнига китоб ҳам ўқийсиз”, дедим. Бувам мийиғида кулиб жавоб берди: “Бу улуғ неъмат, болам. Мени бу кунларга етказгани, соғ-саломат, куч-қувватли, китобга меҳрли банда қилиб қўйгани учун Аллоҳга беҳисоб шукроналар айтаман. Ёшлигимиз қийинчиликда ўтди, икки синглим билан етимликда ўсдик. Бу ҳам етмагандек, йигитлик даврим уруш йилларига тўғри келиб, қонли жангларда қатнашдим. Минг шукр, урушдан омон қайтдим. Сўнг далада ишладим, оила курдим, бола-чақа орттирдим. Умрим ҳалол меҳнат билан

Ҳаёт боғининг боғбони

ўтди. Шу ҳаётга ўрганганман. Ўзимдан яхшиликлар қолдиришни, ўлимимдан сўнг одамлар мени яхши ном билан эслашларини истайман. Экиб ўстирган дарахтларим аллақачон мевага кирган. Бу билан қаноатланмайман, яна янгиларини ўтқазаман. Токи мени кўрмаган авлодлар ҳам меҳнатим самарасидан баҳраманд бўлиб, ҳақимга дуо қилишсин”.

Бувамдан серҳосил боғ, меҳр-оқибатли фарзанду неваралар қолди. Ўзи орзу қилганидек, эккан дарахтлари мевасига маҳалламизда яшовчи ёшу кексанинг оғзи тегади. Бизга инсонийликдан сабоқ берган, ҳаётимизда асқатаётган пурҳикмат ўғитларини юрагимизга ўрнаштирган буважонимнинг муносиб давомчиси бўлишга ҳамиша ҳаракат қиламиз.

Турсуной САТТОРОВА,
Кўшкўпир тумани “Мест” маҳалласи

Масала

3-бетда

САВОЛ: Ғул вожиб бўлган ҳолимда ҳайвон сўйишга мажбур бўлиб қолдим. Айтинг-чи, менинг сўйганим ҳалолми?

ЖАВОБ: Фуқаҳолар ҳайвон сўйишда сўювчига жанобатдан пок бўлиш шартини қўймаганлар. Агар сиз молни “Бисмиллаҳи, Аллоҳу акбар” деб сўйган бўлсангиз, ҳалол бўлади.

САВОЛ: Рамазон ойидан кейин тутиладиган олти кунлик рўза ҳақида маълумот берсангиз.

ЖАВОБ: Ҳижрий-қамарий тақвим бўйича Рамазон ойидан кейин шаввол ойи келади. Бу ой ҳам фазилятли ва баракотли ойлardan бўлиб, унинг олти кунлик нафл рўзасини тутган кишилар учун улкан ажрлар ваъда қилинган.

Абу Айюб Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “**Ким Рамазон рўзасини тутиб, ортидан шаввол ойидан олти кун рўза тутса, йил бўйи рўза тутгандек бўлади**”, деганлар (Имом Муслим, Имом Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти).

Мазкур рўзани Рамазон ҳайитининг эртасидан бошлаб кетма-кет ёки шаввол ойи мобайнида оралатиб тутса ҳам бўлади. “Зоҳирийя” ва “Хулоса” номли фатво китобларида шундай дейилган.

Шавволнинг олти кунда рўза тутишнинг фойдаларидан яна бири Рамазон рўзасидаги йўл қўйилган камчилик-нуқсонлар ўрнини тўлдиришдир. Бу худди фарз намозлар ортидан ўқилган суннат намози кабидир. Зеро, суннатлар фарзда йўл қўйилган камчиликлар ўрнини тўлдирувчи ҳисобланади.

Шунингдек, шавволнинг олти кунда рўза тутиш ўз моҳияти билан мусулмон кишининг рўзадан зерикмаганига, аксинча, унга рағбатли экани аломатидир. Аллома Ибн Ражаб раҳимаҳуллоҳ айтади: “Рамазон ойидан кейин рўза тутиб юришга одатланиш Рамазон рўзасининг қабул бўлгани белгисидир. Чунки Аллоҳ таоло бандасининг бирор амалини қабул қилса, ундан кейин уни (бошқа) солиҳ, хайрли ишларга бошлайди, давомли қилади”.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво маркази.
Тел. 78-150-33-44

Кўп кулиш қалбни ўлдиради

Кулгисиз ҳаёт зерикарли бўларди. Зеро, табассум Аллоҳ инсонга инъом этган тортиқлардан бири саналади. Қуръони каримда марҳамат қилинади: **«Кулдирган ҳам, йиғлатган ҳам Унинг Ўзидир»** (Нажм сураси, 43-оят). Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сертабассум зот эдилар, ўрни келганда ҳазил қилиб, кулиб ҳам турардилар.

Ислом ахлоқи асосида тарбия топган аждодларимиз кулги маданиятига эга бўлишган. Мисол

учун, саройдаги хос давраларда масхарабозлар латифалар айтиб, подшо ва унинг аъёнларини кулдиришган. Улар қувноқ, айна пайтда тағдор ҳазиллари орқали турмушдаги камчиликларни танқид қилишган, олий табақа вакилларига халқнинг дардини етказа олишган. Ёки халқ сайилларида ҳам кулги усталари томонидан ҳаётда учрайдиган иллатлар ҳажв қилинган. Албатта, бу ибратли ҳодиса. Яъни, ҳам яхши кайфият улашилади, ҳам кишини ўйлашга, ўзига назар солишга

ундайди, ҳам заковатни ўстириб, топқирлик ва зийракликка чорлайди.

Ҳозир-чи? Афсус, кейинги пайтларда қизиқчилик санъати беҳаёликдан нарига ўтмаяпти.

Кулги одоби нима? Ислом шариатида баъзи вақтларда ёлғон, тухмат ва ғийбат гапларни аралаштирмасдан ҳазиллашишга рухсат берилади. Бунда чегарадан чиқмаслик талаб этилади. Ҳадисларда табассум қилиш яхши экани, овозни баланд кўтариб кулиш эса қалбни қотириши

айтилган. Одамларни кулдираман, деб турли асоссиз гапларни гапирган одам ҳам маломат қилинган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Кулгини кўпайтирма! Чунки кўп кулиш қалбни ўлдиради”** деганлар (Имом Термизий ривояти). Ҳадиси шарифда беҳуда, ноўрин кулавериш инсон қалбини ўлдириши таъкидланиб, бундан эҳтиёт бўлишга чақириляпти.

Тўлқин ШЕРНАЕВ

Дунё масжидлари

“Қул-Шариф” – Татаристон бош жомеси

Қозон шаҳридаги масжидлар ақлни лол қолдирадиган даражада гўзал иншоотлар бўлиб, улар шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари ҳисобланади ва уларга ташриф буюрган ҳар қандай саёҳатчи ҳайратда қолади. Жозибадор миноралар, ям-яшил безаклар, ўзгача муҳит – буларнинг барчаси ушбу ибодат жойларига хос. Бироқ ана шундай муҳташамликда ҳам “Қул-Шариф” масжиди ўзининг нафислиги ва улуғворлиги билан ажралиб туради.

Тарихий ҳужжатлар муаллифлари таъкидлаганидек, Қозон шаҳри Иван Грозний томонидан забт этилишидан олдин Татаристоннинг ўз даврида гуллаб-яшнаган пойтахтида бешта масжид бўлган ва улардан энг ҳашаматлиси “Қул-Шариф” эди.

Лекин қамал пайтида бу ажойиб иншоот бутунлай вайрон бўлди. Ўшандан бери “Қул-Шариф” масжиди фаолияти бир неча асрлар давомида тўхтаб қолди.

Ушбу меъморий ёдгорлиқни қайта тиклаш ўтган асрнинг 90-йиллари бошланди. Қурилиш Қозон Кремли ҳудудида бошланиб, 10 йил давом этди. Бу вақт ичида тарихчилар “Қул-Шариф” масжидининг ўрта асрларга оид янги тавсифларини топдилар, шунинг учун унинг келажакдаги кўриниши доимий равишда ўзгартириб борилди. Ниҳоят 2005 йилда масжид расман очилди. Ушбу тантанали тадбир Қозоннинг 1000 йиллик юбилейига тўғри келди.

“Қул-Шариф” масжиди бир ярим минг кишига мўлжалланган. Бино олдидаги майдон эса

бир вақтнинг ўзида 10 000 диндорни сиғдира олади. Бинонинг учта эшиги мавжуд: эркаклар ва аёллар алоҳида эшикдан киришади. Шу жиҳатига кўра, ушбу жоме нафақат Россияда, балки бутун Европадаги энг йирик диний ибодатхоналардан ҳисобланади. Масжиднинг тўртта асосий минорасининг ҳар бирининг баландлиги деярли 60 метрга етади (2 та иккинчи даражали минора эса бироз пастроқ). Масжид ичкараси Эрон ва бошқа давлатлар раҳбарлари томонидан тақдим этилган мозаикалар, қандиллар, заргарлик буюмлари ва турли тарихий ашёлар билан безатилган ҳамда қимматбаҳо гиламлар солинган.

Дамин ЖУМАҚУЛ тайёрлади.



Яхшиликка чақириш

Муқаддас динимиз гўзал инсоний фазилат бўлган ибодат ва ҳаёни улуғлайди. Албатта, ҳаё барча ёқимли ва яхши ишларни бажаришга ҳамда барча ёқимсиз, хунук ишларни қилмасликка ундовчи хулқдир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаи киромларга ҳаёнинг нима эканини тушунтириб: **“Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилмоқлик билан ҳаё қилинган”**, дедилар. Саҳобалар: “Алҳамдулиллоҳ, ё Расулulloҳ, биз Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қиламиз”, дейишди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Сизлар айтаяётган ҳаё ҳақиқий ҳаё эмас. Балки Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилиш бош-ни ва у ўз ичига олган нарсаларни, қоринни ва у ўз ичига олган нарсаларни сақламоқ ва ўлимни**

эслашу ўлимдан кейинги азобу уқубатни унутмасликдир. Ким мана шу ишларни амалга ошира олса, Аллоҳдан ҳақиқий ҳаё қилибди”, дедилар.

Ҳаё гўзал хулқларнинг боши, иймоннинг зийнатидир. Аллоҳ таоло ҳаёни ҳар бир инсоннинг фитратида бор қилиб яратди. Аммо уни ривожлантириш, шариатнинг талабига мувофиқлаштириш ўша одамнинг ўзига боғлиқ.

Аллоҳдан ҳаё қилиш деганда, бир инсон жамоат орасида қандай ҳаёли бўлиб кўринса, ёлғиз қолганда ҳам ўзини худди шундай тутиши кераклиги тушунилади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат

қилади: **“Одамлар кўришини ёқтирмаган нарсангни холи қолганингда ҳам қилма!”** Демак, ҳар бир инсон: “Албатта, Аллоҳ мени кўриб турибди. Албатта, У Зот ҳар доим мен билан бирга” деган эътиқодда бўлса, ёлғиз қолган вақтда ҳам бирор гуноҳни содир этишдан тийилади.

Кишидан ҳаё кўтарилса, кўнгли қаттиқлашади, инсонлар орасига низо солишдан оғринмайди, дунёга муҳаббати борган сари ошади, ҳой-ҳавасга берилади. Ҳолбуки, ушбу хулқ инсонни яхши амал қилишга чорлайди, табиати, феъл-атворини гўзаллаштиради, одамлар орасида мартабасини оширади. Ҳаёсиз кишига доим бало, офат етиб

туради, бундай одам эл орасида ҳурмат, обрўсини йўқотади.

Хулоса қилиб айтганда, ҳаё диннинг барчаси ҳисобланиб, киши шу фазилати билан эътиқодимизнинг гўзаллигини кўрсатиб туради. Шундай экан, ёшларимизни ёмон ишлардан ҳаё қилувчи, катталарга ҳурмат кўрсатадиган инсонлар қилиб тарбиялашга жиддий эътибор қаратишимиз лозим. Улар улуғ аждодларимизга муносиб ворис, фидойи ва ватанпарвар бўлиб камол топишса, эл-юртимиз равнақи учун жуда ҳам манфаатли бўлади.

Олимжон ОБИДЖОНОВ,
Қувасой шаҳри “Ислом” жоме масжиди
имом ноиб

Башир ибн Саъд розияллоҳу анҳу

Башир ибн Саъд розияллоҳу анҳу Мадина мусулмонларидан. Иккинчи Ақаба байъатида иштирок этиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ҳар қандай таҳликадан ҳимоя қилишга ваъда берган. Пайғамбаримиз алайҳиссалом билан бирга барча ғазотларда иштирок этган.

Башир ибн Саъд розияллоҳу анҳунинг қизи айтади: “Ҳандақ ғазоти кунларида саҳобалар ейишларига ҳеч нарса йўқ эди. Пайғамбаримиз бошлиқ барча мусулмонлар қоринларига тош боғлагандилар. Онам Амро бинти Раҳова розияллоҳу анҳо ёнларига чақириб, бир ҳовуч хурмо берди:

— Қизим! Буни тоғанг Абдуллоҳ ибн Равоҳа ва отангга олиб бор, еб олишсин, — деди. Олиб бордим. Йўлда Пайғамбаримиз алайҳиссаломни учратдим, у зот сўрадилар:

— Қизим, қўлингдаги нима?
— Хурмо, эй Аллоҳнинг расули.

Онам отам ва тоғам учун юборди.

— Уларни менга бер, — дедилар.
— Хурмони у зотга бердим, ҳатто кафтлари ҳам тўлмади.

Кейин бирор мато олиб келишни буюрдилар. Мато олиб келиниб, ерга ёйилди. Расулуллоҳ алайҳиссалом хурмони матога ёйдилар. Кейин саҳобаларни чақирдилар:

— Тамадди қилгани келинлар, эй Ҳандақ аҳли!

Бутун Ҳандақ аҳли хурмодан есалар-да тугамади”.

Абу Масъуд розияллоҳу анҳу бундай дейди: “Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳунинг мажлисида ўтирган эдик. Пайғамбаримиз алайҳиссалом ёнимизга келдилар. Башир ибн Саъд розияллоҳу анҳу у зотдан сўради:

— Эй Расулуллоҳ, Аллоҳ таоло сизга салавот айтишимизни буюрди. Сизга қандай салавот айтамыз?!

Пайғамбаримиз алайҳиссалом жавоб бермадилар. Биз: “Кошки,

Башир бу саволни бермаса эди?” дея афсусландик. Бироздан кейин Аллоҳнинг расули “Аллоҳумма солли ʼала, Аллоҳумма барик ʼала” дуоларини ўқиб, шундай салавот айтишимизни буюрдилар” (Имом Муслим ривояти).

Пайғамбаримиз алайҳиссалом вафот этганларидан сўнг, саҳобалар Бани Саид қабиласи олдида тўпланиб, халифа сайлаш масаласида маслаҳатлашаётган эдилар. Ансорлар ўзларидан бўлган Саъд ибн Убода розияллоҳу анҳуни сайламоқчи бўлишди. Шунда Башир ибн Саъд розияллоҳу анҳу ўрнидан туриб бундай деди:

— Эй мўминлар! Муҳаммад алайҳиссалом Қурайшдан. Халифанинг ҳам Қурайшдан сайланиши тўғрироқ бўлади. Ҳа, биз аввал иймон келтирдик. Молимиз билан, жонимиз билан Исломга хизмат қилиш шарафига эришдик. Лекин бунинг барчасини Аллоҳ

ва унинг расулини яхши кўрганимиз учун қилдик. Бу хизматимиз учун дунёвий манфаат хоҳламдик, деди.

Ҳазрат Абу Бакр розияллоҳу анҳу халифалик учун Умар ёки Абу Убайда розияллоҳу анҳумдан бирини танлашни тавсия қилдилар. Фақат иккала саҳобий ҳам бунга эътироз билдиришди. Ҳатто Умар розияллоҳу анҳу Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуга байъат қилишни таклиф қилганида Башир ибн Саъд розияллоҳу анҳу ҳаммадан тезроқ ҳаракат қилиб, биринчи бўлиб Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг қўлидан тутди, байъат қилди.

Башр ибн Саъд розияллоҳу анҳу Абу Бакр халифалиги даврида Айнул Тамр муҳорабасида ҳалок бўлди.

“124 саҳоба ҳаёти” китобидан
Нигора МИРЗАЕВА таржимаси

Маълумотхона



Рамазоннинг биринчи куни: Иброҳим алайҳиссаломга саҳифалар туширилди. Милодий 624 йили 26 феврал (ҳиж. 2 йил)да мусулмонлар илк бор Рамазон рўзасини тутдилар. 641 йил 13 август (ҳиж. 20 йил)да эса Миср фатҳ этилди.

Рамазоннинг учинчи куни: Милодий 632 йил 21 ноябр (ҳиж. 11 йил)да Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизлари Фотима розияллоҳу анҳо вафот этди.

Рамазоннинг бешинчи куни: Милодий 1268 йил 9 ноябрда мусулмонлар 170 йил салибчилар қўл остида бўлган Антокия шаҳрини қайтариб олди.

Рамазоннинг олтинчи куни: Милодий 1138 йил 17 май (ҳиж. 532 йил)да мусулмонлар Шимолий Суриянинг Ҳалаб шаҳрида илк бор салибчилар устидан ғалаба қозонди.

Рамазоннинг еттинчи куни: Милодий 971 йил 22 май (ҳиж. 361 йил)да Мисрнинг Қоҳира шаҳрида Ислом оламидаги энг йирик ўқув даргоҳларидан бири “ал-Азҳар”га асос солинди.

Муборак ойлар. Муҳим воқеалар...

Рамазоннинг саккизинчи куни: Милодий 630 йил 18 декабр (ҳиж. 9 йил)да Табук шаҳрига юриш бошланди.

Рамазоннинг тўққизинчи куни: Милодий 712 йил 18 июн (ҳиж. 93 йил)да Андалусия фатҳи бошланди.

Рамазоннинг ўнинчи куни: Милодий 620 йили мусулмонлар онаси Хадичаи Кубро вафот этди.

Рамазоннинг ўн иккинчи куни: Милодий 879 йил 7 май (ҳиж. 265 йил)да Қоҳирадаги машҳур “Ибн Тулун” жоме масжиди қуриб битказилди.

Рамазоннинг ўн учинчи куни: Милодий 636 йил 18 октябр (ҳиж. 15 йил)да Умар ибн Хаттоб Қуддус шаҳрига кириб, аҳолига омонлик ахдномасини ёзиб берди.

Рамазоннинг ўн тўртинчи куни: Милодий 1347 йил 18 декабр (ҳиж. 748 йил)да жаҳон илм-фани ривожига катта ҳисса қўшган Миср ҳукмдори Ҳасан ибн Носир Муҳаммад Қаловун ҳукмронлиги бошланди.

Рамазоннинг ўн бешинчи куни: Милодий 625 йил 1 март (ҳиж. 3 йил)да Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг сеvimли набиралари Имом Ҳасайн ва Имом Ҳусайн туғилди.

Рамазоннинг ўн еттинчи куни: Милодий 660 йил 24 январ (ҳиж. 40 йил)да хулафои рошидиннинг

тўртинчиси Ҳазрати Али каррамаллоҳу ваҳҳаҳу ҳамда 676 йил 12 июл (ҳиж. 56 йил)да мусулмонлар онаси Ойша розияллоҳу анҳо вафот этди.

Рамазоннинг ўн саккизинчи куни: Милодий 642 йил 20 август (ҳиж. 21 йил)да Холид ибн Валид розияллоҳу анҳу вафот этди.

Рамазоннинг йигирма иккинчи куни: Милодий 630 йил 12 январ (ҳиж. 8 йил)да Тоиф шаҳри фатҳ қилинди.

Рамазоннинг йигирма учинчи куни: Милодий 652 йил (ҳиж. 31 йил) сосонийлар юрти бутунлай фатҳ этилди.

Рамазоннинг йигирма бешинчи куни: Милодий 1070 йили (ҳиж. 463 йил) салжукийлар султони Алп Арслон қўшини Византия империяси ва салибчиларни тор-мор этди.

Рамазоннинг йигирма саккизинчи куни: Милодий 631 йил 1 январ (ҳиж. 9 йил)да Тоифдаги Сақиф қабиласи Расулуллоҳ алайҳиссалом ҳузурларида Исломни қабул қилди.

Рамазоннинг йигирма тўққизинчи куни: Милодий 624 йил 24 март (ҳижрий 2 йил)да мусулмонларга Ислом арконларидан закот, фитр садақаси, ҳайит намози буюрилди.

Рамазоннинг ўттизинчи куни: Милодий 869 йил 31 август (ҳиж. 256 йил)да буюк муҳаддис,

“Саҳиҳул Бухорий” муаллифи Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий вафот этди.

Милодий 619 йил май-июн (нубувватнинг 10 йили шаввол ойи)да Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Савда бинти Замъа онамизга уйландилар.

624 йил 26 март (ҳиж. 2 йил шавволнинг биринчи куни) илк марта Рамазон ҳайити ўқилди.

Милодий 624 йил март (ҳиж. 3 йили шаввол) хамр-маст қилувчи ичимликлар бутунлай ҳаром қилинди.

Милодий 623 ёки 624 йил апрел (ҳиж. 1 ёки 2-йил, шаввол)да Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ойша онамиз билан бир ётиққа бош қўйдилар.

Милодий 625 йил 22 март (ҳиж. 3 йили еттинчи шаввол) Уҳуд ғазоти бўлди.

Милодий 626 йил 29 март (ҳиж. 4-йил, 25-шаввол) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Умму Салама онамизга уйландилар.

Милодий 627 йил март (ҳиж. 5 йили шаввол) Ҳандақ ғазоти бўлди.

Милодий 630 йил январ-феврал ойлари (ҳиж. 8 йили шаввол)да Хунайн ва Тоиф ғазотлари бўлиб ўтди.

Манбалар асосида
Чуст тумани бош имом-хатиби
Баҳодир ШАРИПОВ тайёрлади.



Юсуфнинг умри айрилиқда ўтмоқда эди. Шунинг учун отаси Яъқуб алайҳиссаломни жуда кўргиси келарди. Ахир ҳамма сирлар ошкор бўлди, буёғига эса тоқат қилиб бўлмайди. Энди томоғидан овқат ҳам, сув ҳам ўтмайди. Инчунин, отаси ҳам кўп йиллардан буён худди шундай изтироб чекаётган эди. У узоқ йиллар йиғлаши оқибатида кўзлари кўрмай қолганди. Аллоҳ таоло Яъқуб алайҳиссаломнинг кўзлари кўришини хоҳлади.

Юсуф акаларига: **“Менинг мана бу кўйлагимни олиб бориб, отамнинг юзига ташланг, кўзи очилур. Сўнгра аҳлингиз ила жам бўлиб, ҳузуримга келинглари”,** деди.

Улар Канъонга қайтишди. Оталари ҳузурига киришганида у: **“Мен аниқ Юсуфнинг ҳидини сезмоқдаман”,** деди. **“Аллоҳга қасамки, сиз ҳамон эски адашувингизда экансиз”,** деди болалари.

Яъқуб алайҳиссалом адашма-

ган эди. Хушxabарчи Юсуф жўнатган кўйлакни Яъқуб алайҳиссаломнинг ҳузурига олиб келганида гўё ўғли қаршисида тургандек ҳис қилди. Кўйлакни унинг юзига ташлаган эди, кўзлари кўра бошлади. **«Мен сизларга: “Аллоҳдан сизлар билмайдиган нарсани билламан”, демаганмидим?!»** деди. Улар: **“Отажон, гуноҳларимиз учун истиғфор айтинг. Албатта, биз хатокорлардан бўлган эканмиз”,** дедилар. **“Сизлар учун Раббимга истиғфор айтаман. Албатта, Унинг Ўзи мағфират қилувчи ва раҳмли Зотдир”,** деди Яъқуб алайҳиссалом.

Ўғиллари отаси ва аҳли оилаларини олиб Мисрга, Юсуфнинг ҳузурига йўл олишди. Уларни Юсуфнинг ўзи кутиб олди. Ота-бола узоқ йиллик айрилиқдан сўнг яна топишди. Улар бир-бирини

бағрига босганча узоқ туришди. Яъқуб алайҳиссалом ўғлининг бўйидан маст бўлаёзди. Иккиси ҳам чексиз хурсанд ва шод эди. Шунинг Мисрда байрам бўлди.

Юсуф ота-онасини тахтга чиқарди. Улар ҳам ўн бир ўғли билан бирга Юсуфга таъзим қилишга шошдилар. Шунда Юсуф падари бузрукворига: **“Эй отажон, бу аввал кўрган тушимнинг таъбиридир, Раббим уни ҳаққа айлантирди. Мен ўн битта юлдузни, куёш ва ойни ҳам кўрдим. Улар менга сажда қилиб турарди”,** деди.

Шундан сўнг Юсуф алайҳиссалом Аллоҳга кўп ва гўзал ҳамдлар айтди. У ота ва онасини ўзи билан бирга олиб қолди. Улар шу ўлкада Аллоҳ берган умрни яшаб, вафот этдилар.

Юсуф алайҳиссалом кечаю кундуз Аллоҳни зикр этар, Унга

ибодат қиларди. У Аллоҳнинг ҳукми билан ҳукм қилар ва Аллоҳнинг буйруқларини сўзсиз адо этарди. Мол-мулк уни сира қизиқтирмас эди. Қўлида бор давлатини муҳтожларга садақа қиларди. Шунинг учун ҳам у подшоҳ бўлиб ўлишни, подшоҳлар қаторида тирилишни истамасди. У оддий солиҳ банда бўлиб тирилишни хоҳларди.

Одатда Юсуф алайҳиссалом бундай дуо қиларди: **“Эй Раббим, ҳақиқатда менга мулк бердинг ва менга тушларнинг таъбирини ўргатдинг. Эй осмонлару ерни яратган Зот! Сен дунёю охиратда менинг Валийимсан. Мени мусулмон ҳолимда вафот эттир ва солиҳларга қўшгин”.**

Аллоҳ таоло Юсуф алайҳиссаломнинг дуосини ижобат қилди.

(Давоми бор.)

Абул Ҳасан Али Ҳасан Надавийнинг “Пайгамбарлар қиссаси” китобидан
Анвар АҲМАД таржимаси

Қуръонда зикри келган...

Аллоҳ таоло мўминларнинг жаннатдаги аҳволдан хабар бериб марҳамат қилади: **«(Улар — ўнг томон эгалари) тикансиз сидр (хушбўй бута)зорларда»** (Воқеа сураси, 28-оят).

Сидр дарахти кўпроқ Миср, Эфиопия, Покистон, Ливия, Ҳиндистон, Судан, Яман каби давлатларда ўсади. Унинг бўйи баъзан 4-5 метргача етиши мумкин. Танаси тиканга бой, аммо ҳиди хушбўй. Ширин таъмли мевасининг ранги қизил ёки сариққа мойил бўлади. Юпқа барглари доим ёрқин яшил рангда товланади. Мустаҳкам илдизлари туфайли у ноқулай об-ҳаво, сув тошқини ва қурғоқчилик каби қийин шароитларга дош бера олади. Сидр “набқ”, “ирқ”, “адраж”,

Сидр

“зигзаг” каби номлар билан ҳам аталади.

Сидр шифобахш хусусиятга эга бўлиб, жумладан, кальций, темир ва магний моддаларига бой, барглари йирингли ва чипқонли яралар, қолаверса, семиришга қарши малҳам сифатида қўлланилади. Шунингдек, кўзнинг қизариши ва шишишини даволашга ёрдам беради. Табиий яра антисептикларидек, даволовчи шампунлар тайёрлашда ишлатилади. Ўсимлик ширасидан олинган мойи эса, дезодорантлар таркибига қўшилади. Сидр ўтинининг кули ҳам шифобахш бўлиб, ундан илон чаққан беморни даволашда фойдаланилади. Протеинга

бой бўлган мевалари тана кувватини оширади. Ноёб Яман сидр асали ҳам соғлиқ учун жуда фойдалидир. Сидр меваларини майдалаб, нон ёки ширинликлар тайёрлашда ишлатиш мумкин.

Сидрнинг яна бир неча фойдали хусусиятлари бор:

- барглари дамламаси балғамдан халос бўлишга ёрдам беради;
- мевасининг қайнатмаси овқат ҳазм қилишни яхшилайдиган ва қорин дам бўлишининг олдини олади;
- тушқунлик, васваса ва бошқа баъзи руҳий касалликларга даво ҳисобланади;
- аёлларда ҳайз кўриш давридаги оғриқни камайтиришга ёрдам беради;



— Сидр дарахти пўстлоғи бавосил касаллигини даволашда ишлатилади.

Манбалар асосида Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ўқитувчиси
Ҳурмуҳаммад НУРБОЕВ тайёрлади.

Имло саводхонлиги

Собиқ шўролар даврида турли соҳаларга доир атамалар рус тилидан тўғридан-тўғри таржима қилинган. Бунинг ортидан шакл ва мазмуни номутаносиб бўлган атамаларга кўп дуч келамиз. Шунинг билан рус тилига оид “поздзреваемый” атамасининг мустамакчилиги даврида ўзбек тилига “гумондор” деб нотўғри таржима қилинишидир.

“Гумондор” сўзининг гумон қилинувчи шахсга ишлатилиши

Гумондор ким?

хато. Чунки форс тилидан олинган “-дор” қўшимчаси шахс ёки предметнинг бирон нарсасига эгалик маъносини англатади. Масалан: хабардор — хабарга эга, айбдор — айби бор, мансабдор — мансабга эга, ҳомиладор — ҳомиласи бор.

Демак, гумондор бу бирор киши ёки нарсасида гумон қилинаётган кимса эмас, балки ўзида

бирор киши ёки нарсасида нисбатан гумони бор одамдир.

1995 йилдан бошлаб қонунчиликда хато қўлланган “гумондор” сўзи ўрнига “гумон қилинувчи” бирикмасидан фойдаланилади ва бу тўғри қарор.

Тилнинг сўз бойлиги ошишида бадий асарларнинг ўрни катта. Аксарият сўзларни илк бора адиблар ўз асарларида қўллашади ва у

орқали кенг тарқалади. “Гумондор” сўзининг деярли жамиятимизнинг барча аъзолари томонидан ноўрин ишлатилишига асосий сабаб ҳам аввал бадий асарларда, сўнг бошқа услуб матнларида хато ишлатиб келиниши бўлса керак.

Демак, гумон остидаги шахс —

- Гумондор ✗
- Гумонланувчи ✗
- Гумон қилинувчи ✓

“Тўғри ёзамиз — мутахассис блоги” каналидан олинди.

Muassis:

O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: **Sultonbek IMOMNAZAROV**

Шамсуддин Нур

Bosh muharrir: **Abdul Jalil XO'JAM**

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR
Sodiq TOSHBOYEV
Homidjon ISHMATBEKOV
Shayx Abdulaziz MANSUR
Obidjon QODIROV
Muhammadolim MUHAMMADSIDDIQOV
Muhammadsharif JUMAN
Xolmat ATABAYEV
Komiljon BURHONOV

Tolibjon NIZOMOV
Hikmatulloh TOSHEMIROV
Muzaffar KAMOLOV
Azizbek XOLNAZAROV
Jamoatchilik kengashi
Alisher ESHIMOV
Islomiddin ZUHRIDDINOV
Rustam JAMILOV

Toshkent — 100069, Zarqaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda 0017-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta oyda ikki marta chop etiladi. Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir: **Dilmurod SODIQOV**
Musahhiha: **Zebo OMONOVA**
Sahifalovchi: **Komiljon MAHMUDOV**
Ekspertizaga berildi: 20.03.2024
Xulosa (№03-07/1652) olindi: 28.03.2024

"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 12.600
24-3/7-buyurtma.
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Zarqaynar 18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор. Ножоиз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and hadiths. Please, do not put it in inappropriate places!

في الجريدة آيات وأحاديث. لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не оставляйте в неподходящих местах!